

# Фахрий битириувчилар



**Махмудов Эрназар Жумаевич**

## Батофсил

1944 yil 5 fevralda Qashqadaryo viloyati Kitob tumani Duqchi qishlog'ida tug'ilgan. Millati o'zbek. Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish muhandislar institutini 1970 yilda imtiyozli diplom bilan tugatgan. Mutaxassisligi: muxandis - gidrotexnik. 1990 yildan texnika fanlari doktori, 2015 yildan professor. Ilmiy-pedagogik faoliyati davomida 126 maqola, 5 monografiya, 2 o'quv qo'llanma, 1 avtorlik guvohnomasi va 2 patent muallifi. Faoliyati davomida bir qancha hamkorlikdagi Halqaro ilmiy tadqiqot ishlari va ekspeditsiyalari ishtirokchisi, jumladan: Amerika Qo'shma Shtatlari (1998, 2003 yillar, Florida Universiteti bilan hamkorlikdagi grant hamrahbari), Xitoy Xalq Respublikasi 1997 yildan boshlab (Xitoy FA bilan hamkorlikdagi ilmiy tadqiqotlar hamrahbari), Misr Arab Respublikasi (1997 yil, Nil daryosi bo'y lab ekspeditsiya), Birlashgan Millatlar Tashkiloti loyihasi doirasida Shveysariya, Fransiya, Germaniya, Gollandiya davlatlarida (2000 yil, Reyn daryosi bo'y lab ekspeditsiya), Italiya, Ispaniya, Portugaliya (2001-2003 yillar) va Peru, Ekvador Halqaro ilmiy grant doirasida (2003 yil, Amazonka daryosida) ekspeditsiyalarda, Yaponiya (2005 yildan boshlab hamkorlikdagi loyihalari), Hindiston (1997 Ganga daryosida ekspeditsiya), Rossiya (2008 yil, Ob daryosi bo'y lab Shimoliy dengizgacha ekspeditsiya), Vaxsh, Panj (Sarez ko'li) daryolarining shakllanish joylarigacha, Sirdaryoning Kazalinsk (Qozog'iston)dan To'xtagul suv omborigacha olib borilgan ilmiy tadqiqot ekspeditsiyalar ishtirokchisi. 2012-2015 yillar Amudaryodan O'zbekistonga ishonchli va xavfsiz suv ta'minoti tizimini yaratishga qaratilgan ilmiy tadqiqot rahbari. 2011-2016 yillar O'zbekiston Hukumatining Qarori bilan To'polang suv ombori va to'g'oni qurilishini ilmiy asoslarini ishlab chiqishga qaratilgan tadqiqotlar koordinatori. 2017 yildan To'polang suv ombori resurslari bazasida ichimlik suvi ishlab chiqarish tizimini yaratish ilmiy dasturi rahbari. E.Maxmudov 1965 yilda bilan "G'alabaning XX yilligi" davlat mukofoti bilan taqdirlangan. 1984-1990 yillarda Qarshi shahar Kengashida deputat. E.Maxmudov o'z ilmiy faoliyatini 1970-1975 yillarda TIQXMMI Gidravlika kafedrasи aspirantiva katta o'qituvchisi lavozimida boshlab, 1975-1977 yillarda TIQXMMI Qarshi filiali direktori o'rinnbosari, 1977-1983 yillarda TIQXMMI Qarshi filiali Gidromelioratsiya fakulteti dekanı, Qishloq xo'jaligi va gidrotexnik melioratsiya kafedrasи mudiri, 1983-1984 yillarda TIQXMMI Qarshi filiali direktori o'rinnbosari, 1984-1990 yillarda TIQXMMI Qarshi filiali direktori, 1990-1992 yillarda O'rta Osiyo irrigatsiya ilmiy tekshirish instituti katta va yetakchi ilmiy xodimi, 1992-1996 yillarda O'zR FA Suv muammolari instituti laboratoriysi mudiri, Zangiota tajriba eksperimental xo'jaligi direktori, 1996-1997 yillarda O'zR FA Suv muammolari instituti direktori o'rinnbosari, 1997-2012 yillarda O'zR FA Suv muammolari instituti direktori, 2012 yildan hozirgi vaqtgacha O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligi qoshidagi Irrigatsiya va suv muammolari ilmiy tadqiqot instituti Bosh ilmiy xodimi lavozimida faoliyat olib bormoqda.



**Бакиев Машариф Рўзметович**

**Батафсил**

**Бакиев Машариф Рўзметович**

1947 йил 05 июнда Хоразм вилояти Хива туманида туғилган, 1964 й. Хоразм вилоятида ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаган, миллиати ўзбек, маълумоти олий, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтини “Дарёдаги иншоотлар ва ГЭСлар қурилиши” мутахассислиги бўйича интиёзли диплом билан туттаган. Мухандис – гидротехник мутахассислиги эга. Техника фанлари доктори, профессор, Халқаро Биосфера фанлари академияси (МАБИН) академиги, Корақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

1973 й. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти аспирантурасини тамомлаган, “Танасидан сув ўтказадиган ва сув ўтказмайдиган шпоралар ортида оқим таралиши қонуниятлари” номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1975-1980 й. Гидротехника қурилиши факультетида декан мувовини.

1980 й. Гидротехника иншоотлари кафедраси доценти. 1980-1981и.й. Чет тилларни ўрганиш курси (Москва).

1981-1984 й.й. Мали Республикаси Қишлоқ хўжалиги-политехника институтида «Гидротехника» фани уқитувчиси.

1985-х.в.ТИКХМИИ Гидротехника иншоотлари ва мухандислик конструкциялари кафедраси мудири.

1985-1992 й.й. Гидравлик изланишлар халқаро асоциацияси (МАГИ) миллий қўмитаси аъзоси.

1992-2011. МГУ қошидаги МДХ давлатлараро илмий-координация кенгаши аъзоси.

1992 й. Гидротехника иншоотлари кафедраси профессори.

Бакиев Машариф Рўзметович 1992 й. “Ростлаш иншоотлари конструкциясини ҳисобий асослаш ва лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш номидаги докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

1993-2000 й.й. ТИКХМИИ қошидаги K120.06.02 Ихтисослашган кенгаши илмий котиби.

1998-2000 й.й. Узбекистон Республикаси ОАК техник эксперт кенгаши аъзоси.

1999-х.в. ЎзР Вазирлар Махкамаси хузуридаги «Давсувхужаликназорат» инспекцияси эксперт кенгаши эксперт гурухи аъзоси. в 2000-2005й. ТИМИ қошидаги K120.06.02 бирлашган ихтисослашган кенгаши раиси.

2005- й. ТИМИ қошидаги K120.06.02 бирлашган ихтисослашган кенгаши аъзоси.

2000 - 2004 й.й. Магистратура декани. Унинг ташаббуси ва сайи - ҳаракатлари билан, “Гидротехника иншоотлари”, “Селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари”, “Гидротехника ва мелиорация қурилиши”, “Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш” магистратура мутахассисларни очилди. “Гидротехникида илмий тақиқот”, “Гидротехника иншоотлари ишончлилиги, экологик ва ижтимоий хавфсизлиги” ва бошқа бир қатор фанлар унинг илмий изланишларни натижаларини қамраб олган ҳолда киритилган.

2004-2008 йй. Ирригация гидротехника иншоотларини куриш ва улардан фойдаланиш факультети декани лавозимларида ишлаб, унинг раҳбарлигига 4 та бакалавриат ва 4 та магистратура мутахассисларни бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилиб, давлат таълим стандартлари, 4 та янги фанларнинг дастурий ва методик таъминотини тайёрлашга маъсул ходим сифатида олий таълимни ислоҳ қилишга ўз хиссасини қўшган.

Бакиев Машариф Рўзметович 300 дан ортиқ илмий иш, жумладан, 11 та дарслик (1 та дарслик француз тилида), 13 та ўкув кўлланма, 4 та монография, 6 та маъruzalар тўплами, 6 та муаллифлик гувоҳномаси, 7 та патент, 10 та тавсиянома, 32 та чет эл журнallарида мақолалар муаллифи. “Гидротехника иншоотлари” дарслиги “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўкув адабиёти муаллифи” Республика танловида II ўрин (2009), “Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш” ўкув кўлланмаси I ўрин (2015) билан тақдирланган.

Бакиев Машариф Рўзметович раҳбарлигига 15 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертацияси ёкланган, шу жумладан 1 та номзодлик диссертацияси Франциянинг Бордо 1 университети билан халқаро хамкорликда бажарилган, Унинг шогирдлари Чан К.Т., Рахматов Н., Икромова М., Шихаб А.С., Саад С.С., Динъ В.Т., Қодиров О, Лъвов Е., Анис С., Мурадов Р., Рахматуллаев Ш., Қаххоров Ў., Шукурова С, Ҳайитов Ҳ., Чориев Ж.М., Янгиев А.А. Ўзбекистонда ва хорижда меҳнат қилишмоқда. Ҳозирги пайтда 1 та таянч докторантга ва 3 та мустақил изланувчилар докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилмоқда. Илмий маъruzalар билан халқаро, МДХ, Республика ва институт миқесидаги Конгресс, симпозиум ва конференцияларда қатнашган. Қатор халқаро грантлар совриндори, шулар жумласидан АҚШнинг қишлоқ хўжалиги департаменти PL-480 лойиҳаси, Европа хамжамиятининг TEMPUS халқаро магистратура дастури, Жаҳон банки гранти ва Республика грантлари ва бошқалар. Илмий изланишлар натижалари амалиётга ва ўкув жараёнига жорий қилинган.

“Гидротехника қурилиши”, “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш” йўналишлари бўйича бакалавриатура ва магистратура давлат таълим стандартларини тайёрлашга маъсул ходим сифатида олий таълимни ислоҳ қилишга ўз хиссасини қўшмоқда. Ҳозирда институт кенгаши аъзоси ва ихтисослашган кенгаши раиси ўринбосари.

Мукофотлари:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси (1994);

Корақалпогистон Республикаси Юқори кенгаши фахрий ёрлиги (1994);

«Шуҳрат» медали (1998);

Корақалпогистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (2000);

Ўзбекистон мустақилларининг 10 йиллиги кўкрак нишони (2001) ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиги (2006) ;

Ўзбекистон Республикаси 25 йиллиги кўкрак нишони (2016).

Ражабов Абдурахмон

Батафсил

**Ражабов Абдурахмон**

Абдурахмон Раджабов, 1946 йил апрел ойининг 11 санасида Самарканд вилоятининг Фориш туманида таваллуд топган, ТИҚХММИ нинг Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш факультетини 1967 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1968-1977 йилларда ТИҚХММИ да асистент, катта ўқитувчи, доценти лавозимларида, 1977-1978 йилларда Хорижий фуқаролар тайёрлаш бўлими декани, 1978-1980 йилларда Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш факультети декани, 1980-1985 йилларда кафедра мудири, 1985-1987 йилларда катта илмий ходим, 1987-2004 йилларда кафедра мудири, 1992-2001 йилларда ўкув ишлари бўйича институт 1-проректори, 1995-1999 йилларда ТИҚХММИ ректор вазифасини бажарувчи, 2001-2002 йилларда Академик-лицеј, касб-хунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича, 2002-2004 йилларда Маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректор, 2004-2012 йилларда ТошДАУ Умумий техника фанлари кафедраси профессори, 2012-2017 йилларда ТошДАУ Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси профессори ва 2017 йилдан ТИҚХММИ профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

1973 йилда Россия федерацияси, Москва шахрида Горячкина номидаги Москва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инженерлари институтида фан номзоди, 1991 йилда Россия федерацияси Челябинк қишлоқ хўжалигини Механизациялаш ва электрлаштириш институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб доктори илмий даражаларини олган.

А.Раджабов қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия сиғимдорлигини пасайтиришга ва аграр соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини ривожлантиришга, ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллый дастурини хаётта тадбиқ этишга салмоқли ҳисса қўшган ва бугунги кунда фан ва таълим тизимиға янги инновацион ғоя ва технологияларни киритишда фаол иштирок этиб келаётган, республикамиз ва хорижда хамтаниқли олим ва обрўли маърифатчи.

Унинг илмий фаoliyati Республикамизда устувор этиб белгиланган илмий-техник муаммоларни ечишга йўналтирилган бўлиб, унинг раҳбарлигига, 2006-2018 йилларда Давлат гранти бўйича бажарилган 1 та фундаментал, 3 та амалий, 1 та инновацион лойихалар ва 1 та хўжалик шартномаси асосида олиб борилган тадқиқотлари натижасида Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларида электр ва иссиқлик энергияларини тежашнинг илмий-методологик асослари яратилди. Тадқиқотлар натижалари асосида яратилган тажриба стендлар, техник қурилмаларнинг саноат нусхалари таълим жараёнига жорий этилди. 2013-2014 йилларда бажарилган инновацион лойиха бўйича ишлаб чиқилган

Унификацияланган модулли биогаз қурилманинг саноат тажриба нусхаси Ташкент вилояти Оққўрғон тумани Карим Темирбоев фермер хўжалиги чорва фермасига ўрнатилиб, 2014 йилда ишга туширилди. Фундаментал тадқиқотлари натижалари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларида энергия тежашнинг концептуал, принципал ва назарий масалалари ёритилган, ҳажми 16,96 босма табоқ монография чоп этилди.

Унинг раҳбарлигига “Қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдала ниш технологияларини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари” мавзусида, 2017-2020 йилларга мўлжалланган фундаментал лойиха бажарилмоқда. 2008-2017 йилларда «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар» Республика ярмаркасида техник қурилмалари билан мунтазам иштирок этиб келган. А.Раджабов, қишлоқ хўжалиги энергетикаси сахосида илмий мактабига эга олим. Унинг раҳбарлигига 6 та докторлик, 9 та номзодлик, 37 та магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Ҳозирги кунда 1 та катта илмий ходим татқиқотчи доктарантнинг ва 1 та катта илмий ходим изланувчининг фан доктори диссертация ишига раҳбарлиқ қилмоқда. 270 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишлари, жумладан: 24 та ихтиро ва патент, 6 та монография, 9 та дарслик ва ўкув қўлланмана, 46 та услубий қўлланмалари республикамиз ва хорижда чоп этилган. У яратган дарслик ва ўкув қўлланмалар ва услубий қўлланмалари аграр соҳанинг техник йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашда кенг фойдаланилиб келинмоқда.

А.Раджабов «Международная агроинженерия» халқаро ва «Ўзбекистон аграр фани ахборатномаси» республика илмий журналлари таҳририят аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий лойихаларини танлови ва хисоботларини кўриб чиқиш эксперт гурухи аъзоси., ЎзР ВМ ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (OAK) техника йўналиши бўйича эксперт кенгаши аъзоси сифатида республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашга ва аграр соҳада энергетикасини ривожланишига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.